
ФРАНЦИЯ КОМПАНИЯСИ ВИЛОЯТИМИЗДА АРҚОН ЙЎЛ ВА ОСМА КЎПРИКЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН ОММАВИЙ ТУРИЗМ МАСКАНИ БАРПО ЭТИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Франциянинг Montagne et Neige Développement (MND) компанияси ҳудудий директори Орхан Ширинни ҳамда компаниянинг маҳаллий ҳамкорларини қабул қилди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида йирик туристик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширган ушбу компания вакили билан учрашувда вилоятимиз ҳудудида арқон йўл ва осма кўприкларни ўз ичига олган оммавий туризм маскани барпо этиш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Республикамизда “Чимён туристик зонасини қуриш” лойиҳаси доирасида эълон қилинган тендернинг ғолиби бўлган ҳамда ҳозирда ушбу курортни қуриш ишларини олиб бораётган Montagne et Neige Développement (MND) компанияси Фарғона вилоятида ҳам оммавий туризм маскани ташкил этишни режалаштираётганини маълум қилган Орхан Ширин, арқон йўл ва осма кўприкнинг барпо этилиши ўз ўзидан ушбу ҳудудга бошқа инвесторларни ҳам кенг жалб этиши ҳамда бошқа туристик хизматларнинг шаклланишига олиб келишини қайд этди.

Вилоят ҳоқимининг таклифи билан ушбу туристик маскани Шоҳимардон қишлоғида ташкил этиш устида иш бошлашга келишиб олинди. Дастлабки босқичда бош-режа ишлаб чиқилади. Сўнги тасдиқланган бош режа асосида лойиҳани амалга ошириш учун Европа банкларининг имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш бўйича музокаралар ўтказилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-04 12:37:06